*Истиқлол қалдирғочлари*

# "ИМПОРТ" БИЛАН ТЕНГЛАШИШ ОРЗУСИДА

**Суҳбатдошимиз: Раҳимжон ОТАМИРЗАЕВ.**

**Туғилган йили: 1964 йил. Таваллуд жойи: Косонсой тумани**

**Маълумоти: олий. Иш жойи: Косонсой пойабзал ишлаб чиқариш "Кушон" ҳиссадорлик жамияти. Лавозими: директор.**

**Танқидни хуш кўрмайди. Мақтовни ҳам. Ўта тортинчоқ...**

**Шу сабабдан ҳам унга саволларни қалаштириб ташламадик. Биттагина қилиб, "Ишлар қандай, ўртоқ директор?" дея умумий савол билан мурожаат этдик. Мана унинг жавоби:**

— 1989 йилнинг охирларидан фаолият кўрсата бошлаган пойабзал ишлаб чиқариш фабрикамиз яқиндан бошлаб "Кушон" ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. 650 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамиз Наманганда шу хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Аҳил жамоамиз республикамиз мустақиллигининг уч йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олаётир. Бу йил 632 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш учун ҳаракат қилаётган жамоамиз ўтган ярим йилликда 347 минг жуфт маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ўтган 6 ойда 3 миллиард 723 миллион сўм-купонлик иш бажарилганини кўрсатади. Шундан 3 миллиард 353 миллион сўм-купонлик маҳсулотларимиз сотиб бўлинди.

Пойабзалчиларимизнинг асосий диққат-эътиборлари маҳсулот сифатига қаратилган. Сон эмас, сифат асосий мезон бўлгани учун ҳам маҳсулотларимиз харидоргир бўляпти. Бу фикрни ўтган ярим йил ичида савдо ташкилотлари томонидан бирорта ҳам рекламация олмаганлигимиз кўрсатиб турибди. Айни пайтда республикамизнинг 65 та савдо базасига бизнинг маҳсулотлар етказиб берилаётир.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳада бўлгани каби бизнинг корхонамиз олдида ҳам талай муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Шулардан асосийси — хом ашё масаласидир. Биз бу муаммони бартер усулида мол айирбошлаш билан ҳал қилаётирмиз. Косонсойдаги шойи ишлаб чиқариш фабрикаси маҳсулотларидан маҳсулот айирбош қилиш ҳисобига Россиянинг Черногорск, Краснодар ўлкасининг Армавит шаҳарларидан хом ашё келтиряпмиз. Шунингдек, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидан оёқ кийимлари учун зарур ҳисобланган тери ва сунъий чарм олаётирмиз. Корхонамиз авваллари фақат мактаб ёшидаги болалар учун пойабзаллар ишлаб чиқарар эди. Ўтган 1993 йил бошидан бошлаб катталар учун ҳам оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Абдуваҳоб Абдураҳмонов, Имомрасул Тошхўжаевлар бошлиқ бўлган цехларнинг Ҳабиба Султонова, Ислом Ёқубов, Ғайбулла Тошбоев, Оқил Пўлатов, Заҳро Ёқубова каби ишчилар меҳнатда ҳамкасбларига намуна бўлаётирлар. Таъминотчи Савриддин Шариповнинг хизматлари ҳам мақтовга лойиқ.



Корхонамиз маҳсулотига талаб ошиб бормоқда. Мақсадимиз чет эл фирмаларидан андоза олиб, уларники каби маҳсулот тайёрлаш. Ажабмас Чехия-Словакиянинг "Цебо" фирмаси каби пойабзаллар бизда ҳам яқин орада ишлаб чиқарилса. Биз бунинг учун қўлимиздан келадиган барча имкониятларни ишга соламиз.

**Суҳбатдош Ғаффор РАСУЛ**
**"Туркистон" мухбири.**

**Суратда: директор Р. Отамирзаев.**
**Суратни А. ЭРКАБОЕВ олган.**

# БОЛАЛАРГА СОВҒА

Ўзбекистон республикасининг уч йиллиги арафасида Республика болалар жамғармасининг Наманган вилоят бўлими фаоллари Чортоқ ва Поп туманлари болалари учун байрам уюштирдилар. Болаларни, асосан чўпонларнинг фарзандларини қувончли воқеалар кутарди. Наманганадаги 17-болалар боғчаси тарбияланувчилари шу тантанага атаб концерт тайёрлашди. Олис қишлоқларда яшовчи болаларга совғалар ҳам мақбул бўлди. Наманганадаги тикувчилик ва трикотаж бирлашмалари, Косонсой пойабзал фабрикаси болаларига атаб кийим-кечак ва пойабзал ажратди.

Дарвоқе, мустақиллик куни арафасида бу тадбирда иштирок этган "Ниҳол" болалар дастаси қатнашчиларининг орзуси ушалди: шаҳар болалар жамғармасининг муассислари — Наманган машинасозлик заводи, абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси уларга қиймати 12 минг сўмдан ортиқ турадиган мусиқий асбобларни ҳадя этди.

Чуст, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида ҳам шундай байрам концертлари ва уларнинг ташкилотчилари билан учрашувлар ўтказилади.

# МЕҲР-МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Бухорога кунчиқар мамлакат — Япониядан меҳр-мурувват ёрдами келди. Япония Қизил хоч жамияти томонидан юборилган ушбу ёрдам дори-дармон, жарроҳлик ускуналари ва бир марта ишлатиладиган шприцлардан иборат. Уларнинг умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг. Дори-дармонлар вилоят ва туман шифохоналари, туғуруқхоналарга тарқатилмоқда.

**Илҳом САФАР,**
**(ЎзА)**

*Ҳозирги ёшлар*

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Ғиждувон туманидаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалигида ишлар конвейер усулида олиб борилмоқда. Айни пайтда хўжалик меҳнаткашларининг қўли қўлига тегмайди. Ғўзани чилпиш, етиштирган маҳсулотларни давлатга ўз вақтида йиғиб топшириш деганларидек. "Ёзда ёпинчиғинг ташлама, қишда ўзинг биласан" — деган ибора ёд бўлиб кетган, ёшлар эса қишлов учун дағал хашак тўплашда жонбозлик кўрсатаётирлар.

Хўжаликнинг ёшлар ишлари бўйича раис муовини М. Муҳсиновнинг айтишича, қисқа давр ичида ишчи ёшлар бригадаси 300 тоннадан зиёдроқ дағал хашак тўплаган.

— Бизда ёшлар етакчи ўринни эгаллайди, — дейди, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳ. Носиров. Афғонистонда хизмат қилган йигитларнинг талабларини қондириб, иккита ғаллачилик бригадасини ташкил этиб хато қилмаган эканмиз. Бу чўлқувар бригаданинг ҳар бири 50 тоннадан жами 100 тонна ғалла етиштиришга эришдилар. Бу ҳозирги шароитда ҳазил гап эмас.

Ҳа, бундай миннатдорчиликни тумандаги Ибн Сино, Жилвон, Навоий, Гулистон ва А. Ғиждувоний номли жамоа хўжаликлари бошқаруви раҳбарларидан ҳам эшитдик. Демак, Ёшларимиз яхши ишлашаяпти. Лекин бир савол туғилади: ёшларимиз раҳбарлардан миннатдорми?

Мана шу савол билан Ёшлар Иттифоқи туман саркотиби Алишер Жўраевга мурожаат қилдик...

— Ёшларни моддий ва маънавий ҳимоялашда кўп ишлар қилинмоқда. Уларнинг турмуш тарзи, дам олиши ва энг муҳими, раҳбарларга нисбатан фикри ёмон эмас. Мисол учун яқинда "Тўдакўл-94" фестивалини ташкил қилдик. Хўжалик ва корхоналардан таклиф этилган ёшларимиз уч кун мазза қилиб хордиқ чиқардилар. Давра суҳбатлари, спорт ўйинлари, Оила йилига бағишлаб уюштирилган баҳслар, ўйлайманки, уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ҳозир айни қадриятларимизни англаш асноси. Бу йўналишда ёшлар ташкилотимиз талай амалий ишларни йўлга қўйган. Хусусан Ҳожа Баҳовуддин Нақшбандий, Абдухолиқ Ғиждувонийлар зиёратгоҳларига тез-тез ёшларни олиб боришни йўлга қўйганмиз.

Иттифоқимизнинг ўз ҳисоб рақами ва "Кабутар" жамғармаси мавжуд. Туман ҳокими З. Шариповнинг ёрдами билан мустақилликнинг уч йиллигига бағишлаб лотарея ташкил қилаяпмиз, тушадиган маблағ мана шу ёшлар ва ёшлар иттифоқининг келажаги учун сарфланади.

Қарс икки қўлдан чиқади, деб шунга айтсалар керак-да...

**Шавкат НОСИРОВ**

*Уйғоқ сўз*

# ҲАР КИМГА ЎЗ ВАТАНИ АЗИЗ

*Нобель мукофоти соҳиби А. И. Солженициннинг айрим чиқишлари ҳақида*

Ҳар қандай давлат ҳамда миллат тараққиётини тўғри таҳлил эта оладиган тарих билимдонлари бўлишган. Академик В. О. Ключевский ана шундай забардаст алломалардан бири эди. У 1892 йилнинг 26 сентябрида Москва Диний Академиясида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деган эди: **"Буюк халқнинг ўзига хос белгиларидан бири унинг таназзулдан кейин яна оёққа тура олиш қобилиятидир. У халқ кўрган таҳқир қанчалар оғир бўлмасин, фурсат етиб, мазкур эл ўзи йўқотган куч-қувватни қайта йиғади ва бу кучни вақтинча тарк этилган тўғри тарихий йўлга қайта олиб борадиган бир ёки бир неча улуғ одамларда намоён қилади".**

Англашимизча, Қизил империянинг 74 йиллик ҳукмронлиги даврида барча миллат ҳамда элатлар қатори жабр чеккан рус халқи айнан шундай заковатли инсонларга Умид кўзи билан қараб яшамоқда. Биз бу ўринда сиёсий худбинликнинг чўққиларига аллақачон чиқиб олган, Россия Федерал Кенгашига сайловлар чоғида омманинг чарчаган руҳиятидан усталик билан фойдаланган, зўр бериб истилочилик, империячилик васвасасини тарқатишга уринаётган, Болқон ярим ороли тарафга сафарга борганида ўз обрўсини айрондек тўкиб қайтган В. Жириновскийни назарда тутаётганимиз йўқ. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган гап бор. Шундай экан, энди омма Владимир Вольфович тутадиган қаҳва у ёқда турсин, қатиқни ҳам пуфлаб ичса керак!

Биз бу ўринда Федерация Кенгаши ва Давлат Думасида "даҳанаки жанглар" қилаётган кўзга кўринган депутатларни ҳам, янгидан тузилган -ўнлаб сиёсий фирқалар етакчиларини ҳам назарда тутмадик.

Гап жаҳонга маълум улкан ёзувчи, Нобель мукофоти соҳиби Александр Исаевич Солженицин тўғрисида кетмоқда. Александр Исаевични улуғ ёзувчи сифатида миллионлаб адабиёт ихлосмандлари ардоқлайдилар. Унинг "Дастлабки доирада", "Ўн тўртинчи йилнинг августи", "Қисқичбақа қўшини", "Иван Денисовичнинг бир куни" каби қатор роман, қисса ва ҳикояларини мароқ билан ўқиганмиз. Шу боис биз ёзувчи Солженициннинг томорқасига тош отиш ниятимиз йўқлигини, буюк ижодкорлигига заррача шак келтирмаслигингизни айтиб ўтишимиз зарур деб ўйлаймиз. Бу мулоҳазаларнинг туғилишига сабаб шундаки, кейинги пайтларда А. И. Солженицин ўша академик В. О. Ключевский таъкидлаган сиёсий арбоблардан бирига айланди. Табиийки, унинг у ёки бу нутқи, фикри, хулосаси, сиёсий таклиф ҳамда тавсиялари наинки Россия, балки бутун МДҲ ва жаҳон жамоатчилигида акс садо бермоқда.

Албатта, А. И. Солженициннинг туб маънодаги жабрдийда инсон эканлигини яхши биламиз. У уруш фронтларида жанг қилган. Кейин роппа-роса 11 йил Сталин қамоқхоналарида азоб чеккан. "Гулаг Архипелаги" асарида муаллиф тиканли симлар ортида таҳқирланган минглаб қисматдошлари бошдан кечирган уқубатларни тасвирлайди.

Ёзувчи 20 йил ўз Ватанидан олисда, хорижда яшади ва яқинда Россияга қайтиб келди. Шуниси алоҳида эътиборга лойиқки, Александр Исаевич Россия тупроғига қадамини мазкур мамлакатнинг шарқий чегараларидан бошлаб қўйди, ҳамда 8 ҳафта давомида вилояту ўлкалар, у ерда яшаётган халқ ҳаёти билан танишди. Ёзувчини Москванинг Ярославль вокзалида минг-минглаб россияликлар кутиб олишди, челаклаб ёмғир қуйишига қарамасдан унинг нутқини жон қулоғи билан тинглади. Мазкур нутқни жаҳон оммавий ахборот воситаларидан кўпчилиги у ёки бу тарзда шарҳладилар. Биз биргина мисол келтириб ўтмоқчимиз, холос. Би-Би-Си радиоси Александр Исаевичнинг вокзалдаги маърузасини "Россия Федерацияси Президентлигига номзоднинг дастури" деб баҳолади.

Бундан кейин А. И. Солженицин Россия давлатининг бошқариш бўғинларида, сиёсий ҳаётида қандай вазифаларни, қай тарзда бажариши, қайси лавозимларни эгаллаши ёки эгалламаслиги унинг шахсий иши. Биз бу масалада башорат қилиш фикридан йироқмиз. Бизни безовта қилаётган ҳолат шуки, Александр Исаевич сўнгги пайтларда собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё ҳудуди шаънига чуқур ўйлаб кўрилмаган, қалтис, нописандлик, улуғмиллатчилик суви билан суғорилган фикрларни кўпроқ айтмоқда.

Муштарийларимиздан кўпчилиги билса керак: Александр Исаевич бундай ғайрисоғлом сиёсий кайфиятга бугун берилаётгани йўқ. У хориждалигидаёқ "Россияни қай тарзда қайта қуришимиз керак" номли асарини ёзди ва уни "Комсомолская правда" рўзномаси, бошқа айрим матбуот нашрлари тўлалигича босди. Келинг, ўша асардан биттагина парча келтириб ўтайлик:

**"Россия Польша ва Финляндиядан ажралиб, наҳотки камбағаллашиб қолган бўлса. Йўқ, қайтага қаддини тиклаб олди. Ва мешқорин тагида осилиб турган, Александр II ўйламай-нетмай босиб олган Ўрта Осиё отлиғ юкдан халос бўлсак, қаддимизни тағин ҳам тиклаб оламиз".**

Аллоҳнинг иноятига минг бора шукрона айтамизки, 1991 йилнинг 1 сентябрида, устига устак Беловежьедаги учлик йиғинидан анча аввал Россия, Александр Исаевич айтмоқчи, "Ўрта Осиё отлиғ юк"дан эмас, жонажон Ўзбекистонимиз мустамлакачилик бўйинтуруғидан халос бўлди. Мана, 3 йил мобайнида Жаҳон Ҳамжамиятининг нуфузли аъзосига айланди.

Энди Александр Исаевичнинг Ўрта Осиёни Александр II ўйламай-нетмай босиб олди, деган фикрига эътибор беринг. Жаҳоншумул асарлар ёзган ёзувчига ярашадиган гапми шу?!

Чор Россияси ҳукмдорлари Ўрта Осиёни истило этишдан қандай мақсадни кўзлаганини оддий мактаб ўқувчисидан сўранг, дангал-дангал айтиб беради.

Ёзувчининг юқоридаги фикрини ўқиб, ҳайратдан ёқангизни ушлайсиз. Демак, Иван Васильевич Грозний бундан 440 йил муқаддам ўз савдогарларини, инглиз сайёҳи Антоний Женкинсонни Марказий Осиёга шунчаки табиат манзараларини, минору сардобаларни томоша қилиш учун юборган экан-да?! Император Пётр Алексеевич эса қуйидаги сўзларни алаҳсираб айтибдими:

**"Шарқ билан алоқада Қозоғистон тасарруфи калит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб сўм сарфланса ҳам Қозоғистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса у ерда Россия таъсирини ўтказиш зарурдир!"**

Россияда мисли кўрилмаганислоҳотларни амалга оширган шўрлик император билмасдан, ўйлаб ҳам кўрмасдан туриб Хива хонлигини забт этиш учун А. Бекович — Черкасский етакчилигида уч ярим минг кишилик сара қўшин юборибди-да? Шундайми?!

Ёки Оренбург ҳарбий губернатори В. А. Перовский 1839 йилда император олий ҳазратларидан бир оғиз изн олмай, минглаб аскарлар, 22 та тўп, 10 минг туя билан Турон заминига ташланибдими?

Хўп, Александр II паришонхотирлик билан бу фармонни берган дея қолайлик. Ана, келинг А. И. Солженицин таъбири билан айтганда "Ўрта Осиё ортиқча юк" ҳам бўла қолсин. **Унда гўрингда тик тургур генерал Черняев не илинжда Тошкентни 290 кун, деярлик 10 ой қамал қилиб забт этди? Қаттол Кауфман нима учун Самарқандни қонга ботирди? Генерал Скобелев қандай мақсадда Фарғонанинг фарёдини кўкка ўрлатди?!**

Табиат истеъдод ато қилса ёзувчи, бастакор, рассом бўлиш мумкин. Лекин ундан олдин ИНСОН, шахс бўлмоқ керак. Акс ҳолда йирик рассом В. Верешчагин Самарқанддаги Кауфман қирғинида қатнашганини, расм чизиш билан бир қаторда одамларнинг бошини танидан жудо қилганини роҳатланиб ёзармиди?!

Мана А. И. Солженицин ҳам Туркистон халқларининг 53 йил (1864—1917 йиллар) давомида чор империяси зулми остидаги заҳардан ҳам аччиқроқ ҳаётига қўл силтаб қўя қолмоқчи!

**Ваҳоланки, халқнинг кўз ёшлари, пешоналардан оққан тер уммони, қулларининг қадоғи-ю, елкаларининг яғири замирида Россия империясининг пинҳоний манфаатлари ётар эди. Мазкур империя 53 йил давомида Туркистоннинг қонини зулукдек сўрди. Бу тарихнинг исбот талаб қилмайдиган ва инкор ҳам этиб бўлмас ҳақиқатидир.**

Мисол учун Биринчи жаҳон урушининг дастлабки даврида Туркистон ҳарбий мақсадлар учун империяга 70 минг от, 12 минг туя, 300 минг тонна гўшт, 3 миллион пуд пахта ёғи берган эди. Ана, "ўйламай-нетмай босиб олиш"нинг империя учун "зиёни!".

Марказий Осиё (ҳозирги 5 мустақил давлат ҳудуди) дан олинган деярлик ярим миллион нафар мардикор-чи?!

Туркистоннинг чор империяси томонидан моддий ва маънавий таланишига мисоллар келтираверсак, газета саҳифалари камлик қилиши турган гап.

А. И. Солженицин "Россияни қай тарзда қайта қуришимиз керак?" мақоласидан сўнг, яқинда "XX аср ниҳоясида", "рус масаласи" номли асар ёзди. У "Новий мир" журнали орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Кичик бир парчаси "Труд" рўзномасида эълон қилинди. Муаллиф ўз асарида шундай ёзади:

**XX аср ниҳоясида "Рус масаласи" жуда очиқ-ойдин тарзда шундай турибди: бизнинг халқимиз яшаб қоладими ё йўқми?"**

Таажжубланадиган жойи шундаки, Александр Исаевич Россия давлатининг иқтисодий-ижтимоий, рус халқининг этник ҳалокат ёқасига келиб қолишида ўша даврда собиқ Иттифоқ таркибига кирган Республикалар айбдор, деб ҳисоблайди. Шу йил 10 август куни Москва ойнаижаҳони орқали чиқиб сўзлаган нутқида эса мазкур Республикалар билан биргаликда Федерация таркибига кирган мухтор республикаларни ҳам тараққиёт тушови деб атади.

**Александр Исаевич шуни яхши билиб қўйиши кераккки, Туркистон чор империяси таркибига ўз ихтиёри билан эмас, юқорида қайд қилинганидек, Черняевнинг замбараги, Кауфман қиличи зарблари остида кирганидек, Шўролар ҳокимиятини ҳам мутелик билан қабул қилган эмас.**

Ф. И. Колесов раҳбарлигидаги Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши миллатимизнинг соғлом кучлари томонидан тан олинмаганлиги, қолаверса, бу Кенгаш таркибида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакили бўлмаганлиги, унга муқобил равишда Туркистон (Қўқон) мухторияти ҳукумати тузилганлиги тарих билан қизиққан ҳар бир одамга маълум. Шунингдек, Туркистон мухторияти қурол кучи билан тугатилганлиги ҳам ҳеч биримизга сир эмас.

Мана, ўша воқеаларнинг тепасида турган большевиклардан бири Д. Манжаранинг иқрорномаси:

**"Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди... Уни йўқотиш пайти яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дошноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-тарож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди".**

А. И. Солженицин ўзининг иккинчи мақоласида "Миллий онг ҳар қачон ва ҳар жойда, ҳеч қандай истисносиз ҳурмат қилиниши керак" деб қатъий тарзда ёзади. Лекин ўзи бунга амал қилмайди. Бу ўринда беихтиёр эскидан қолган "Мулланинг айтганини қилу қилганини қилма!" деган гап эсингизга тушади.

Октябрь тўнтаришининг моҳиятини она Туркистонимизнинг ҳақиқий, мард, онгли фарзандлари ўша кунлар, ўша соатлардаёқ англаб етган эдилар. Мунаввар Қори, Мустафо Чўқаев, Фитрат, Чўлпон ва бошқалар хусусида шундай дейиш мумкин.

Фикримизнинг далили сифатида ўша чоғдаги халқ ҳаракати етакчиларидан бири Турор Рисқуловнинг гапларидан икки оғиз келтириб ўтайлик:

**"Биз шўрлик мусулмонларни Николай замонида ҳайвон ўрнида кўришган бўлса, йўқсиллар ҳукумати даврида ҳам шундай... Ҳозир ҳам зулматда яшамоқдамиз, оч, яланғоч зор бўлиб ўлиб кетаяпмиз... Биз мусулмонларга нима беришди? Қорнимизни тўйғазишдими? Йўқ! Устимиз бут бўлдими? Йўқ! Агар яхши кийинтиришганда, камбағаллар яланғоёқ юришармиди? Агар қорнимизни тўйғазишганида минг-минглаб одам очликдан ўлармиди? Бизнинг уйларда нималар қолди? Фақат жулдур тўшаклар, холос. Бошқа ҳеч нарса".**

Миллий онги теран кишигина бундай ҳаққоний сўзларни айтиши, ёзиши мумкин. Турон замини, қадим Туркистон улкан ақл эгаларини етказиб берган. Бугунги асримизни космос ва кибернетика асри демоқдамиз. Ҳолбуки бу соҳаларнинг назарий жиҳатдан тамал тошини бобокалонларимиз Мусо Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий ва Улуғбеклар қўйиб кетган эдилар. Ҳозирги Европа, шу жумладан, Россия фани ҳам ана шу пойдевор устига қурилган бинодир. Келинг, Александр Исаевич, феълингизни хиёл кенгроқ қилинг! Ахир, кемага тушганнинг жони бир, дейдилар-ку. Биз сиз билан узоқ йиллар СССР деб аталган кемада бирга суздик, аччиқни ҳам, чучукни ҳам бирга тотдик. Энди тараққиёт йўлидан мустақил, бир-биримизни ҳурмат қилган, қўллаб-қувватлаган, ҳамкорлик қилган ҳолда келажакка қадам қўймоқдамиз.

Шундай экан, аллақандай "тушовлар"ни ахтаришнинг нима кераги бор?

Тўғри, Сиз кўп қийноғу қувғинларни бошдан кечирдингиз. Шунга қарамасдан бахтли одамсиз. Чунки сиз ушбу кунларга эсон-омон етиб келдингиз. Афсуски, бу кунларга бизнинг улкан ёзувчимиз, янги романчилик мактаби яратган, Туркистон мустақиллиги учун курашган Абдулла Қодирий етиб келолмади. Уни 1938 йилнинг 4 октябрида (суд ҳукм чиқаришидан бир кун аввал) сафдошлари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Отажон Ҳошим ва бошқалар билан бир қатори отиб ташладилар.

Мана, вақт етиб собиқ Қизил империя инқирозга учради. Аввалги иттифоқдош республикалар мустақил давлатларга айландилар. Эндиликда улардан ҳар бирининг суверен ҳақ-ҳуқуқларига эҳтиром билан қаралиши зарур. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам бундай бўлаётгани йўқ.

Бошқа давлатларга, миллатларга нописандлик билан қараш касали қатор арбобларга ҳам юқаётгани сир эмас. Масалан, Россия ҳукумати бошлиғининг муовини Сергей Шахрай "Труд" рўзномасининг шу йил 9 июль куни эълон қилган суҳбатда шундай дейди:

**"Россия Шўролар Иттифоқининг қарзларини зиммасига олганида ҳеч ким эътироз билдирмайди-ю, Россиянинг собиқ СССР Республикаларидаги ўз ватандошлари тўғрисида қайғуришига оид меросий ҳуқуқи ҳаммага ҳам ёқавермайди".**

Ҳозирги Россия сиёсатчилари ичида ўткир билими, салоҳияти билан кўзга ташланаётган жаноб Шахрайнинг хулосасини қаранг!

**Агар сиз собиқ Иттифоқнинг қарзини зиммангизга олган экансиз: улкан ва қудратли мамлакатнинг беқиёс давлат хазинаси, 15 республика 74 йил мобайнида яратган адоқсиз моддий бойликлар қўлингизда қолди-ку? Ўнлаб миллион тонна пахтамизга жаҳон бозори баҳосидан 5 баравар кам ҳақ тўлаб келганингиз-чи?! Ўзбек оилаларидан аксарияти 10—15 кунда бир бор гўштли таомни аранг еганида, турли колбасалар, қора ва қизил увилдириқни мунтазам тановул қилганингиз эсдан чиқдими? БАМни, Кама автомобиль заводи, Янги Липецк металлургия комбинати, "Атоммаш" каби ўнлаб йирик қурилишларни бир ўзингиз қурдингизми? Ноқоратупроқ ботқоқликларини ким ўзлаштириб берди?!**

"Ватандош"ларингиз масаласига келсак, Ўзбекистонда барча тенг, улар ҳам қолган 103 миллат билан биргаликда мустақиллигимизнинг 3 йиллигини мамнуният билан кутиб олмоқда, ислоҳотларда фаол қатнашмоқда, буюк давлат пойдеворини қурмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, парламентимиз ва ҳукуматимиз юргизаётган адолатли, демократик сиёсат туфайли жамиятимизда осойишталик, барқарорлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда.

Шундай шароитда "ортиқча юк", "тараққиёт тушов"лари деган гаплар ўринлимикан?! Танангизга бир ўйлаб кўрмайсизми, муҳтарам Александр Исаевич! Ахир, собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан мамлакатларда 25 миллион нафар русийзабон аҳоли бор. Миқдор жиҳатдан бу 5 та Туркманистон демакдир. Жаноб Шахрайнинг ўзи бу аҳоли Россияга кўчиб борар бўлса, уларни жойлаштириш учун бир неча триллион сўм маблағ кераклигини, бундай молиявий имконият 5—10 йилдан кейин ҳам вужудга келмаслигини тан олади.

Тарих ғилдираги ҳеч қачон орқага айланган эмас. 74 йиллик Қизил империя давридаги кечмишимиз ҳаммамизнинг муштарак тарихимиздир. Энди уни ўзгартириб ҳам, ундан воз кечиб ҳам бўлмайди. Мазкур давр мобайнида сталинизм даҳшатлари билан биргаликда ижобий табиатга эга фурсатлар ҳам оз эмас. Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий Ғалаба собиқ Иттифоқдаги барча миллатлар ва элатлар бирлигининг маҳсулидир. Ёки Тошкент зилзиласини олинг. Унинг оқибатларини тугатишда бутун Иттифоқ қатнашганлигини миннатдорлик билан эслаймиз.

Шундан кейин Ўзбекистонда яна 2 та зилзила юз берди. Бу иккала зилзила ҳам 1966 йилгидек табиий эмас, маънавий зилзилалар эди. Биринчиси — "Ўзбек иши", "Пахта иши" деб аталган қиёмат қойим. Собиқ СССР Прокуратурасининг Т. Гдлян ва Н. Иванов раҳбарлигидаги терговгуруҳи ҳеч қандай қонун-қоидаларга сиғмайдиган шафқатсизлик билан оммавий қатағонлар ўтказди. **Собиқ Ўзбекистон Коммунистик Фирқаси Марказий Қўмитасининг расмий ахборотига таянадиган бўлсак, гуруҳ томонидан 22 минг нафарга яқин киши жиноий жавобгарликка тортилди. Улар орасида собиқ КПСС Марказий Қўмитаси номенклатурасига кирган 172 нафар, собиқ Ўзбекистон Коммунистик Фирқаси Марказий Қўмитаси номенклатурасига кирган 1813 нафар раҳбар, вилоят фирқа қўмиталарининг 65 нафар, шаҳар ҳамда туман қўмиталарининг 408 нафар котиблари бор эди. Хуллас, Вазирлар Кенгаши Раисидан тортиб, оддий бригадиргача гдлянчилар зуғумидан азият чекди. Минглаб бегуноҳ одамлар қамалди, яна қанчаси тергов авахталарида йиллаб ўз қисматини кутди.**

Шуниси ачинарлики, чорак аср Ўзбекистонга ақл-идрок, самимият билан ҳормай-толмай раҳбарлик қилган ажойиб инсон, марҳум Шароф Рашидович Рашидовнинг шаъни, хотираси оёқости қилинди, хоки кўчирилди. Вақт етиб "Пахта иши" бўйича ноҳақ айбланган минглаб кишилар оқланди. Аммо топталган тақдирлар учун ким жавоб беради?

Сизнинг "Гулаг Архипелаги" асарингиз бошида бўлажак маҳбусни қамоққа олиш жараёнини қайта-қайта тасвирлайсиз. Ҳар гал жабрдийда "Қандай айбим учун?" ёки "Не ёзиғим бор?" деб сўрайди. Бизда ҳам гдлянчилар бегуноҳ одамларни тун ярмида ҳам, тонг олдида ҳам олиб кетаверишди. Республикадаги уларнинг гумашталари О. Гайданов Э. Дидоренко ва бошқалар уларнинг бедодликларини оммадан яширишга жон-жаҳди билан тиришдилар, бу ҳақда матбуотда ҳақ сўз айтган ҳамкасбларимизни таъқибу тазйиқ остига олдилар.

Иккинчи маънавий зилзила Фарғона ва Ўш воқеалари бўлдики, бу қонли фожиаларни ким уюштирганлиги эндиликда сир эмас.

Александр Исаевич! Эндиликда Сиз Москвадан туриб Россияни қай тарзда равнақ эттириш ҳақида фикр юритмоқдасиз. Тарих тараққиёти эса Россия давлатини Сизнинг тасаввурингиздан бошқачароқ тарзда шакллантириб юборган.

Шундай экан, Россия тараққиётидаги "ички" ва "ташқи" тушовлар ҳақидаги фикрларингизни асосли деб бўлмайди. Ҳамма давлатнинг, ҳамма миллатнинг, ҳамма элатнинг ўзига яраша обрў-эътибори, ор-номуси, ўрни бор. Бу қадриятларга тош отиш ҳуқуқи ҳеч кимга, ҳатто Нобель мукофоти соҳиби бўлган атоқли ёзувчига ҳам берилмаган.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ислом ҲАМРО,**
**"Туркистон" мухбирлари.**



# ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР?

# ҲАММАСИНИ ТАҚДИРГА ТЎНКАБ КЕТАВЕРАСИЗМИ?

## *СИРЛИ МАКТУБ СОҲИБАСИ ЗУЛФИЯ ҚИЗГА*

"Туркистон"да босилган мактубга жавоб

**1. Муҳаббатнинг саройи кенг экан...**

"ДУНЁНИ УСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛМАЙМАН" сарлавҳали "сирли мактуб"ингизни ўқидим. Сизга ва сизга ўхшаган бошқа қизларга ёқиш учун бир талай юпатувчи сўзларни ёзишим мумкин эди, аммо "ҳақиқат ҳаммасидан устун"лиги учун кўнглимга келганини айтишга қарор қилдим. Кечирасиз-у, хатингиз менга самимий ва оғриқли бўлиб кўринмади. "Юрагимдагини тўкиб солиш мен учун осон бўлмади. Аммо боши берк бу кўчада "яшаш" ҳам, кечинмалар талошида чидаб кунларни ўтказиш ҳам осон эмас, албатта. Ва тайинли бир қарорга келиш ҳам қийин..." — йўқ, йўқ, ошиқ юракдан сизиб чиққан сўзлар эмас бу. Ошиқ юракнинг сўзлари бошқача бўлади. Сониян, мактубингиздан ўзингиз хизмат қилаётган идора раҳбарини "яхши кўришингизни" ҳам, у сизни "ҳурмат қилиши ва ота сифатида яхши кўришини" уқдим. Уни қандай таърифлашни ҳам билмайсиз, лекин "бу одам умрида бировга ёмонлик қилмаган, умуман юраги тоза одам", дейсиз. Мен эса ичимда: "Қаёқдан билақолибди бу қиз?" деб ўйлайман. "Унинг юришлари, гапириши, овозини, жилмайиб қараб туришини эслайман", дейсиз. Бўлиши мумкин. "Ёнимга келиб, пешонамдан ўпди", дейсиз. — Бўлиши мумкин. "У киши 50 яшар, мендан 30 ёш катта", дейсиз. — Бўлиши мумкин. Аммо, биз сизга етти ёт бегоналар, сиздаги севги қай тахлит туғилди, қай тариқа авж олди, ўртада нима воқеалар юз берди? — ҳеч қандай аниқ маълумот, ишонарли далил йўқлиги учун, сизнинг чиндан ҳам шундай бир одамни яхши кўрганингизга ишонолмаймиз. Аммо шубҳа шайтондан мерос: гумонни бир ёққа йиғиштирайлик-да, ҳаётда чиндан ҳам Зулфия исмли бир қиз бор, ўзидан 30 ёш катта бир одамни — ўз раҳбарини севиб қолган, деб фараз қилайлик. Чунки бу қадим дунёда бунга ўхшаш ҳодисалар кўп бўлган, бундан кейин яна бўлади.

"Муҳаббат ул ўзи кўп эски нарса,
Ҳар бир юрак уни янгилар",

дейди татар шоири Ҳоди Тоқтош.

"Фақат ошиқ одамгина инсон деб аталишга ҳақлидир", дейди рус шоири Александр Блок.

"Муҳаббат олдиндан ҳамма нарсага мангулик муҳрини урадиган энг олий ҳақиқатдир", дейди немис шоири Новалис.

Э, бунга ўхшаган минглаб эмас, миллионлаб жумла ва фикрларни келтириш мумкин!

18 ёшли Эмилия Бардах 61 яшар Генрих Ибсенни яхши кўргани ва улар ўртасида қизғин ёзишмалар бўлгани тарихдан маълум.

22 яшар Беттина исмли қиз 58 ёшли Гётени яхши кўриб қолиб, эркак кийимида унинг уйига кириб боргани, 5 йил маҳбубаси бўлгани тарихдан маълум.

27 яшар Камилла Зелден ўлим тўшагида, захм касалидан туролмай ётган 57 ёшли Генрих Гейнени яхши кўргани тарихдан маълум.

Шунингдек, бунинг акси, ёш-ёш йигитчалар ўзларидан 20-30 ёш катта хотинларни севиб қолганлари ҳам тарихдан маълум. Чунончи, Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом 24-25 ёшларида ўзларидан деярли 20 ёш катта Хадича волидамизни яхши кўрганлар ва оила қуриб, у кишидан 5 фарзанд кўрганлар.

Француз ёзувчиси Оноре де Бальзак ўзидан 22 ёш катта хотинни севиб қолган ва у билан узоқ йиллар давомида бирга яшаган ва ҳ. к. Умуман, севги шундай бир сирли ҳодисаки, унда ёш, бойлик, ҳусн, мансаб ҳукмронлик қилолмайди. Ёш шаҳзода Халил Султон, бир қарашидан оламни титратадиган бобоси — Амир Темур тириклигида бутун шоҳлик қоидаларини бузиб, валиаҳдликдан ажраш хавфини ҳам писанд қилмай оддий бир чўри қиз Шодимулкка уйланганини эсланг.

Аммо вақт, ирода ва вазиятнинг туйғуларга таъсири бўлади.

**2. ХЎШ, СИЗ НИМА ҚИЛИШИНГИЗ КЕРАК?**

Хўш, аниқ гапга кўчайлик: сиз нима қилишингиз керак?

Мен сизга бирон гап айтсам, ишончсизлик билдиришингиз мумкин. Биринчидан, эркак кишиман: қиз боланинг кўнглини қаёқдан билади, дейишингиз ҳеч гап эмас. иккинчидан, ёшим 58 да: ҳа, энди қари одам-да, ёшлик эсидан чиқиб кетган, деган хаёлларга борасиз. Келинг, яхшиси, мен сизга бир аёлнинг хатини ҳавола қилай. Нинон де Ланкло (1615—1706) гўзал ва ақлли хоним эди. Ошиқлари эса бениҳоя кўп бўлган. Ҳатто, 56 ёшида ҳам Маркиз Севинье деган бир йигит, ўз хотини бўлатуриб, уни севиб қолган эди.

НИНОН ДЕ ЛАНКЛОНИНГ МАРКИЗ СЕВИНЬЕГА МАКТУБИ

Сиз, муҳтарам ва азиз дўст, ўз қалбингизга кучингиз етмаслигини, уни дуч келган одамга ҳадя қилиб бўлмаслиги, шунинг учун ҳам майл ашёсини танлаш ихтиёрингиз хорижида эканлигини билдириб, ҳеч инкор этиб бўлмайдиган далил келтиргандай, менга танбеҳ бермоқчи бўласиз. Нақадар эски ашула! Бундай сийқаси чиққан гапларни доим ўз заифликларини оқлашга тайёр турадиган аёлларга қолдиринг; улар эътиборни шунга қаратишлари керак. Бу нарса Монтен тасвирлаган бир бойваччани эслатади: у бечора бевақт кучдан қолиб, оёқ-қўли зирқирай бошлаганда: "Аблаҳ, ҳаммасига чўчқа гўшти сабабчи!" деб қичқиргиси келарди.

Демак, гап юракнинг майлида, юрагимни идора қилолмайман, дейишади... Юракни идора қилиб бўладими? Аёллар келтирган бу қадар жиддий асосга бирон кимса эътироз билдиришга ботинолмайди. Улар бу гапга оммани шу қадар инонтириб қўйганларки, бордию кимда-ким буни рад этса борми, нақ бутун халойиқнинг таънадашномига кўмилиб, балога қолади. Лекин бундай ғалати даъволарнинг нима учун бу қадар тарафдорлари кўп? Чунки кўпчилик бундан манфаатдор. Бундай ҳолни кечиришлар, авф этишлар хатоларни тузатиш ўрнига ўз ноҳақ тушунчасини мустаҳкамлашга замин яратади; шуни ҳам унутмаслик керакки, одамлар аҳвол чатоқ бўлсагина "тақдир... тақдир..." деб қолишади. Масала палапартиш майллар, ўйланмай босилган қадамларга бориб тақалса, ҳаммасини тақдирга тўнкаб, табиатдан ёзғирадилар. Оқилона муҳаббатнинг неъматларини эса ўз ақлларининг устунлигидан деб биладилар. Биз эркинликни алдамчилик йўлида эъзозлаймиз. Агар биз телбалик қилган бўлсак — у ҳолда бизни енгиб бўлмас бир куч-тақдирми, илоҳми, табиатми — мажбур қилган. Лафонтен бахт ҳақида айтган гапни биз ҳам табиатга татбиқ қилишимиз мумкин:

Яхшиликни биз яратамиз,
ёмонликни эса табиат,
Ҳамма вақт биз бенуқсон,
ҳақмиз, фақат ноҳақ шум қисмат.

Бу гапларимдан сиз кўпчиликнинг фикрига қўшилмаслигимни англагандирсиз. Севги ғайриихтиёрий ҳодиса — шубҳасиз мен буни тан оламан, яъни кимдир бизда қолдириши мумкин бўлган биринчи таассуротни олдиндан билиш ва унинг олдини олиш мумкин эмас. Айни чоғда мен — бу таассурот қанчалик чуқур бўлмасин — уни енгиллатиш ёки таъсир кучини тўхтатиш мумкин, деб айта оламан, шу туфайли ҳар қандай ўйламай босилган қадам ёки шармандали майлни қоралагим келаверади. Ахир, ҳаётда хотинлар ўз эҳтиросларига сабабчи бўлган зотларнинг камчиликларини кўрсалар, ўз севгиларини ўчира оладилар-ку! Бундай воқеаларни неча марталаб кўрмаганмизми? Қанча-қанча қизлар келажакда яхши таъминланиш хаёли билан ўзларининг энг нозик муҳаббатларини сўндира олганлар. Айрилиқ, кўчиб кетиш, вақт каби дориларга қарши энг манман деган ошиқи беқарор ҳам дош беролмайди: аста-аста муҳаббат ўти пасайиб боради ва ниҳоят бутунлай ўчади. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? — Муҳаббат қудратли, аммо бизнинг заифлигимиз туфайли қудратлидир.

Биламан, бундай ҳолатдан омон чиқиш учун бутун ақлу заковат ва билимлар бир жойга жамланиши талаб қилинади; шунингдек, мен бундай ғалабага эришиш қийинлигини ҳам биламан; чунки бунақа курашни бошлаш жасорати ҳар кимга ҳам берилмаган. Бу соҳада енгиб бўлмайдиган майлу иштиёқлар йўқлигига қатъиян ишонсам ҳам, ҳар қалай, мен ҳам, нима учун амалда ғолиблар кам, деган хаёлга бораман кўпинча. Нима учун шундай? Чунки одамлар ҳатто бундай қилишга уриниб ҳам кўрмайдилар. Сизнинг масалангизга келсак, фақат хушторлик қилмоқчисиз деган тахминдаман, сал-пал муҳаббатингизга лойиқ аёлга бўлган майлингизни босиб олишни тавсия қилсам, сизни қийнаган ва телбалик қилган бўлур эдим. Модомики, сиз ҳали ўзингизга арзийдиган хонимлардан бирига ошиқ бўлмаган экансиз, менинг назаримда, сизга бахтли келажак ато эта оладиган замину асосларни бир мунча ойдинлаштириб бергим келади. Албатта, мен ҳам юракларни тўлдиришга ва унда муҳрланиб қолишга қодир бўлган ва одамнинг қадрини улуғлайдиган нозик туйғулар кўнглимиз узра ҳоким бўлиб қолишини истайман. Аммо тажрибалардан кўринишича, амалда бу бўлмайди. Мен бундай деганда сиз қандай бўлишингиз кераклиги тўғрисида мулоҳаза юритаётганим йўқ, ҳақиқий ҳаётда сиз кимлигингиз тўғрисида ўйлаётирман; гап сизни қандай кўришни исташим тўғрисида эмас, ниятим юрагингиз қандайлигини ўзингизга кўрсатишдан иборат. Мен даставвал инжиқликларингизни кўтарган бўлсам ҳам, биринчи галда дидингиз бузуқлигига қайғурдим. Аммо, қалбингизни ўзгартириш қўлимдан келмагани учун, ҳеч бўлмаганда, ундан қандай қилиб кўпроқ фойда кўриш йўлларини сизга ўргатгим келади: сизни ақлли қилиш имконим йўқлигидан, лоақал бахтли қилишга уринмоқчиман. Эскиларнинг бир гапи бор: майлларни йўқотишни хоҳлаш — ўз-ўзимизни йўқотишни хоҳлаш демакдир; фақат бу майлларни идора қила билиш керак. Биздаги майлу эҳтирослар шифобахш таомларга ўхшайди: моҳир кимёгар тайёрласа, яхшигина дорига айланади.

Йўқ, Маркиз, хотинингиз де-Севинье хонимнинг шахсимга қизиқсинишлари менга заррача ҳам ботгани йўқ: аксинча, сизга ёзган хатларимни кўрмоқчи бўлгани хуш ёқди. Модомики гап севги ҳақида бораётган экан, хотинингиз бу нарса менга боғлиқ деб ўйлаган албатта; аммо, энди аксинча эканлигига ишонган, деб ўйлайман; шу пайтгача у мени бошқача тасаввур қилиб юрган бўлса, энди унчалик енгилтак эмаслигимни тан олади; Нинон тўғрисида аввалгидан бошқачароқ тасаввур ҳосил қилиш учун унда етарли даражада адолат бор деб ҳисоблайман. Бундай деяётганимнинг сабаби шундаки, одатда мен тўғримда у қадар ижобий бўлмаган фикр билдириб юришлари ўзимга ҳам маълум. Аммо хотинингизнинг адолатсизлиги ҳеч қачон сиз билан бўлган дўстлигимга таъсир ўтказолмайди. Мени билмаган ҳолда баҳо берувчи кишиларнинг фикрларидан хафа бўлмаслик учун мен ҳаётга файласуфона назар билан қарайман. Аммо, нима бўлса бўлаверсин, мен сиз билан ҳар доимгидай ошкора гаплашишда давом этавераман; де-Севинье хоним жуда эҳтиёткор бўлишига қарамай ич-ичида кўпинча менинг фикрларимга қўшилади. Тўғри, амалда ўзини бундай кўрсатмаслиги мумкин. Энди сизга тегишли гапларга ўтаман.

Маркиз, сиз бетиним хушомадлардан сўнг, ниҳоят бу тош юракни эритишга муваффақ бўлдим, деб ўйларсиз. Ҳар қалай сизга шундай бўлиб кўринади. Мен бундан мамнунман; аммо сиз хотинингизнинг туйғуларини менга шарҳлай бошлаганингизда кулгим қистайди. Сиз эркакларнинг одатдаги хатосини такрорлаяпсиз. Бу хато сизга қанчалик ёқимли бўлмасин, сиз уни такрорламаслигингиз керак. Сизнинг тахмининингизча, аёлнинг юрагида эҳтирос ўтини ёндиришга қодир бўлган нарса фақат сизнинг устунлигингиздир... Сизлар, ақлимизнинг ўткирлиги, юрагимизнинг нозиклиги хотинларда муҳаббат уйғотади, деб ўйлайсизлар. Нақадар улкан янглишиш! Сиз ғурурингиз эҳтиёжига кўра шундай деб ўйлайсиз, албатта. Сиз сохта хаёлга бормай, имкон борича, ўзингизни безовта қилувчи важларни таҳлил қилиб кўринг, шунда ўзингизни алдаётганингизга, биз эса сизни алдаётганимизга ишонч ҳосил қиласиз; сиз ўз манманлигингиз ва бизнинг манманлигимиз томонидан ҳар тарафлама аҳмоқ қилинганингизни кўрасиз,

(Давоми 4-бетда).

## УНИНГ ҲОЛИГА ТУШДИМ

"ДУНЁНИ УСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛМАЙМАН", мақоласини десам хато бўлар, дил изтиробларини ўқиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Гўёки Зулфиянинг дардига мен ҳам шерикдай. Эҳ Зулфия, Зулфия! Мактубингни ўқиб қанчалик қийналганимни ҳис қилсанг эди. Севги ҳар бир инсонни бир маротаба девонавор қилиб қўяди. Лекин халқда бир мақол бор "Тенг-тенги билан, тезак қопи билан". Бу ҳол ҳаммаси ўткинчидир. Хаёлингни йиғиб ол. Яхшиси ишдан бўшаб бошқа бирор жойда ишлай қол. Зора иш билан овуниб, ўйлашга ҳам вақт тополмай қолсанг. Бошқа миллатларда билмадиму, лекин бизда бу нарса жуда қаттиқ уят ҳисобланади. Сев, севил, фақатгина тенгингни топгин. Насиҳат қилиш осон деб ўйларсан. Йўқ, мен насиҳат қилмоқчи эмасман. Дўстона маслаҳат бермоқчиман холос.

Тўғрисини айтсам ўзимнинг бошимга ҳам шундай савдолар тушишини билмагандим. Дугонамнинг йигитини хотини, қизчаси борлигини эшитиб: "Қўй, Шаҳло, бировларнинг бахтсизлиги эвазига бахтли бўлолмайсан! Кўникарсан. Эсингдан чиқар", — дея маслаҳат берардим. Кези келганда уришардим ҳам. Йигитини кўрдим. 4 йилдан бери алдаб, уйланганини бекитиб келган экан. Лекин хотинига севиб уйланган экану, Шаҳлога ҳам "севаман" дермиш. Нафратланиб кетдим. Шаҳлони бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Ахир унинг орқасидан юрган йигитлар озмунчами...

Ҳозир эса мен кўра-била туриб, Шаҳлонинг ҳолига тушдим. Ўтирсам ҳам турсам ҳам, хаёлимда У. Мен фақат У.ни ҳурмат қилардим. У менга қаҳратон қишда, ижара излаб сарсон бўлиб юрганимда ўз уйидан жой берди. Кўнглимга қаради. Ёмон гапирмади. Ширин сўзлар билан кутиб олиб ишга ҳам илиқ сўзлар билан кузатиб қўйди. Байрамларда ёлғизлигимни билдирмади. Оиласи билан бирга мени ҳам хиёбонларга олиб борди. Унинг гулдек хотини, ўғли бор... Лекин мен ҳозир хаёлимни жиловлай олмаяпман. Унинг ҳар куни келишига, қўнғироғига ўрганиб қолдим. Ҳозирда унинг уйида эмас бошқа жойда яшаяпман. Гоҳида "келаман" деса интиқ бўлиб кутаман. Автобусдан тушган, метродан чиққан ҳар киши гўёки у бўлиб туюлаверади. Девона бўлиб қолмасам яхшийди. Эҳ, нималар бўляпти, ўйлаб ўйимга етолмайман. Фақат ундан илтимос қиламан: хотинингиздан ажраманг! Фарзандингиз бор! У бўлса "Иккалангни ҳам яхши кўраман" — деди. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Кундош бўлишга эса хоҳишим йўқ. Тасаввур ҳам қила олмайман. Кўнгил қурсин, кўнгил...

Ахир ўзим ўқиган, тушунган қиз бўлсам. Бошқаларга ўзим билганча маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатсаму, ўзимга келганда... Эндиликда ночорман.

Маслаҳатингизга муҳтож Муҳаббатман.

Зулфия ўзинг хулоса чиқариб ол.

**Хонбуви ҲИММАТ қизи.**
**ТошДД журналистика бўлими талабаси.**

Диққат: жумбоқ

## ЎЙЛАМАЙ, ИЗЛАМАЙ ТОПИНГ!

**Муҳаббат ҳақида ҳамма замонларда, ҳамма халқларнинг ҳам шоирлари илҳом ва эҳтирос билан қайнаб ёзишган. Уларнинг шоҳ битиклари ошиқ қалбларнинг қимматли мулкига айланиб қолаверган. Ҳурматли газетхон! Биламиз, муҳаббат сиз севган мавзу. Биламиз, гоҳо пинҳона, гоҳо ошкора юракнинг туб-тубидаги чўғларни алангалантирувчи шеърларни ўқийсиз. Ҳурматли ишқпараст, шеърпараст газетхон, қуйида берилган, ҳар сатридан муҳаббат ва эҳтирос ёғилиб турган шеър қайси оташ қалб шоир қаламига мансуб? Жавобларингизни кутамиз.**

Ўзгаларга тиз чўкканда
Кўз қарашинг унутмадим:
Бошқаларга илтифотда
Қийнади илк муҳаббатим:
Хаёл шундай ҳоким-иблис,
Ўтмиш кунни эслатаркан,
Шундай дейман якка-ёлғиз:
Севган ёрим фақат сенсан! -
Бошқаларда ихтиёринг,
Бу куйчини унутгансан:
Хаёл мени шундан бери
Олиб қочар Ватанимдан:
Кема мени олиб кетар
Ўзга ёққа бу ерлардан,
Денгизлардан садо қайтар:
Севган ёрим фақат сенсан! -
Шов-шув билан тўлган олам
Билмас, шунча севилган ким,
Йиллар чекиб дарду нола
Хотирадан толган ҳушим;
Аввалги тинч ҳаётимни
Ахтармайин қай тарафдан,
Шивирлайди қалбим шуни:
Севган ёрим фақат сенсан! -



*Баҳс*

# ҚИЗЛАРНИ ОЛИБ ҚОЧИШ...

**Қиз олиб қочиш қардошларимизнинг қадимий удумларидан бири. "Фалончининг қизини олиб қочибди", деган гапни эштишса, бизда бир сесканиб тушишади. Чунки бизнинг таомилларга хилоф бу. Ҳар кимнинг урф-одати ҳар хил-да. Лекин бу одатнинг нимаси яхши? Минг бир таҳликада бировнинг хонадонидан қиз ўғирлаб қочишнинг нимаси маъқул? Изингдан ёв каби эргашган соя бахтингни бахтсизликка айлантирмайдими?**

**Конимехда келинларини олиб қочган танишларим кўплигидан улар билан суҳбатлашиб, бу саволларга жавоб топмоқчи, баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчи эдим. Қизилқумга сафар боис бу мавзу қаҳрамонларини Томди, Учқудуқ ва Зарафшондан танладим.**

**АВТОБУСДА ОЛИБ ҚОЧИЛГАН КЕЛИН...**

Қиз олиб қочиш ҳақида ёзиш ниятим борлигини биринчи бўлиб бизни кутиб олган томдилик Марат Абдурасуловга айтдим. Ҳамроҳларимиздан бири "Маратжоннинг ўзлари ҳам келинни олиб қочганлардан" деб қолди.

– Тошкентга республика рус тили ва адабиёт институтига ўқишга боргандим, – дейди Марат оға. – Биринчи курсни тугатиб, Зулфияни олиб қочдим. У ҳам асли томдилик. Тошкентда қозоқ тили факультетида ўқирди. Ўзимиз танишдик, ўзимиз топишдик. Тошкентдан "Икарус" автобусида олиб қочганман. Июль ойида, худо хоҳласа, оила қурганимизга йигирма йил тўлади. Нишонлаймиз ҳали. Олти фарзандимиз бор. Турмушимиз ёмон эмас, лекин...

Ҳақиқатдан ҳам Марат оға ва Зулфия опаларнинг оиласига ҳавас қилса, арзийди. Жондан азиз фарзандлари – ўғил-қизлари, севимли ишлари, ажойиб дўсту ўртоқлари бор. Лекин бу дунё барибир бири кам яралганлигини инкор қилиш қийин. Фақат бахт ҳамроҳимиз бўлсин, деб турмуш қурган бу оиланинг ҳам ўз дарду армонлари бор. Бу армонлар анчайин ўткинчи эмас.

Фарзанд фақат қувонч келтиради, фақат бахт олиб киради хонадонингизга. Шунинг учун, ҳам юракнинг энг тубидан, энг чуқур жойидан унга ўрин ажратасиз. Улар бизга жондан азиз, йўқ, жондан-да ширин. Ана шу жондан ширин жонингизга нимадир бўлди, оёғи, қўли, кўзлари... йўқ, йўқ, гапира олмайди, юра олмайди. Беўхшов ҳаракатлар қилади, холос, нимадир демоқчи бўлади-ю, лекин сўзлай олмайди, жовдираб кўзингизга боқади. Кўргиликми? Нима бу?

Бу хонадоннинг бир ўғли 1989 йилда дунёга келганда юрак пароги билан туғилган экан. Беш ёшли болага сира ҳам ўхшамайди. Исми – Нурхон. Яна бир қизлари йиқилиб, ногирон бўлиб қолган. Меҳрибонингизни асрай олмаслик армони дилингизни эзган билан энди кеч, фойдаси йўқ. Фақат Ойнурни вилоят ижтимоий таъминот бошқармасидагиларнинг интернатга жойлаштириш ҳақидаги фикри бироз таскин бўлиши мумкин кўнгилга.

Нимагадир, шу топда кимнингдир норозилиги йўлингизга ғов бўлиши, қаҳрлар, ғазаблар тўсиғи ҳақида ўйлашга мажбур бўласиз. Балки норозилик камонидан отилган ўқлар яралаб қўйдимикин бу тақдирни, деган ўйга борасиз. Бу хулоса эмас, жавобсиз савол, холос.

**БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК**

Томди туман ЗАГС бўлими мудираси Ўразгул Итемерова билан худди шу мавзуда суҳбат қилдик.

Ўразгул опа ўттиз тўрт йилдан бери шу идорада ишлайди. У йигирма йил олдин балоғат ёшига етмаган қизни олиб қочгани учун судга топширилган йигит воқеасини ва туманда ўтган йили 283 та оила рўйхатдан ўтганлиги-ю, бу йил эса никоҳдан ўтган оилалар соҳи 52 нафарга етганлигини айтиб берди, холос.

Ўразгул опанинг таъкидлашича, олиб қочиш аввал келишилиб, ўзларининг розиликлари билан амалга ошириларкан. Йўқ, мен ҳам бу ҳақда гапирмоқчи эмасман, фақат ота-она розилигисиз... Бундай ҳол ўзимизда ҳам тез-тез содир бўлиб туради. Шунинг учун ҳам бу мавзуда бош қотирса арзийди, деб ўйлайман.

Ўзи рози бўлиб қочган қиз келажагини кўра олиши керакми, ахир. Ажралаётганларнинг кўпчилик қисмини нега ана шу каби оилалар ташкил этаяпти? Характерлари тўғри келмаслигидан, сал ўтмай баҳодир куёвларининг ичкиликка ружу қўйганлигидан шикоят қилиб ажралаётган келинлар борлигини ким инкор этади?

**УЧҚУДУҚҚА ҚОЧИБ КЕЛГАН ЎЗБЕК ҚИЗ**

Олтинтоғ фаоллар йиғинида ишлайдиган котиба қиз Роза Кузерова қиз олиб қочиш ҳангомаларидан сўзлади:

– Кўплар қочиб кетиб, анчадан кейин никоҳдан ўтишади, – дейди Роза. – Фақат Учқудуқдагина эмас, бошқа жойлардан ҳам қочиб келганлар кўп. Бошқа республика, бошқа вилоятлардан ҳам кўп бундайлар. Улар орасида ўзбеклар ҳам бор. Масалан, вилоятимизнинг Хатирчи туманидан бир ўзбек қиз келувди. Йигит билан касалхонада танишибди. Қиз йигитни яхши кўриб қолиб, касалхонадан чиқиб тўғри Учқудуққа келаверибди. Йигитнинг уйидагилар унча рози бўлишмабди. Шунда йигит: "Розилик беринглар, шунга уйланаман", дебди.

Никоҳдан ўтиш учун келганларида қиздан шунча узоққа келин бўлишга қарор қилганининг сабабини сўрадим. "Яхши кўраман, шунинг учун келдим", деб жавоб берди у.

– Менинг акам ҳам янгамни Тошкентдан олиб қочиб келган, – дея суҳбатга қўшилди Азиза. – Акам Наманганда ўқиб юрган кезларида тошкентлик талаба қиз билан танишиб, унга кўнгил берган. Аҳду паймон қилишиб, ўқишни тугатгач, ҳар ким ўз юртига қайтади. Хат ёзиб юрган акам бир куни Тошкентга уни кўриш учун боради. Шаҳарни айланиб, дўстларини кўриб, қайтишда қизни таксига ўтказади-да, тўғри Учқудуққа – уйга олиб келади. Мана, бир йил бўлай деб қолди, уларнинг бахтига ҳамманинг ҳаваси келади!

Яна бир суҳбатдошимиз Олтинтоғ овул хотин-қизлар кенгашининг раисаси Бибисора Қозоқбоева ўн йилдан бери аёлларга бош-қош экан.

– Ҳақиқатан ҳам, қизиқ одатимиз бор, – дейди Бибисора опа сўзларимизни тингларкан. – Кўпинча ота-оналари рози бўлмагач, олиб қочишади. Ота-оналар кечирмай узоқ вақт аччиқлашиб юришади. Оқсоқоллар ўртага тушиб, бир амаллаб яраштиришади. Ахир, фарзанддан кечиб бўладими?

Тўғри, мажбуран олиб қочилган қизлар ҳам кўп. Улар тақдирга тан бериб, бир болалик бўлгунча яшайди. Кейин ажралишдан ўзга чора йўқлигини сезгач, оилалар бузилиб кетади. Кўпларини бир неча марта яраштириб қўйдик, лекин барибир бўлмади. Ҳозир олдингидан кўра бундай ҳоллар оз. Ота-она розилиги билан орзу-умидлар билан элга дастурхон ёзишга, тўй-тантана қилишга нима етсин.

Бу бир томондан ота-оналарнинг фарзандига эътибори, уларнинг кўнглига қулоқ солишига ҳам боғлиқ. Чунки эшигидан сўраб борсангиз-у, йўқ деса, сизни менсимаса, тенгимиз эмассан, деса йигитларнинг сўзи синиб, аламларини олишга чоғланишади.

Менинг ҳам олти фарзандим бор. Ўғил-қизларим уйли-жойли. Тўрт нафар неварам ҳам бор. Қизимни ҳам, ўғлимни ҳам тўй-томошалар билан узатиб, уйлантирганман. Кичкина ўғлим олиб қочиб келган, қизини ҳам ота-онасиникига олиб бориб, ризоликлари билан тўй қилиб олгандик. Ўшанда мен Бухорога икки ойлик ўқишга кетгандим. Ўғлим биздан сўроқсиз, ёшлик қилиб олиб қочган. Ҳозир икки боласи бор. Оиламизда бунақа ҳоллар бошқа такрорлангани йўқ. Мен хотин-қизлар қўмитасида ишласаму фарзандларим қизларни олиб қочса, уят-да.

(Давоми 4-бетда).

Акс-садо

# ОШКОРА ГУНОҲ

Мен "Туркистон" мухбири Рустам Боймуҳаммаднинг "Ўпишиш гуноҳми?" мақоласини ўқиб қаттиқ ўйга толдим. Ҳақиқатдан ҳам ўткир муаммо бу. Мен ҳам ўзимга бир неча бор ушбу савол билан мурожаат этдим: "Ўпишиш гуноҳми?" Юрагимнинг қай бир бурчидан ингроқли жавоб отилиб чиқди: "Гуноҳ! Нафақат гуноҳ, ҳатто жиноят!"

Мен бундай кескин хулосага дарров келганим йўқ, албатта. Лекин, ҳаётдаги озгина кузатишларим шундай жавобни ихтиёр этди: "Ошкора ўпишиш – жиноят!"

Мен олий ўқув юртига кириш ниятида пойтахтимиз остонасидан ҳатлаганимга бор-йўғи икки ойча вақт бўлди. Бироқ ўзимдаги кескин маънавий ўзгаришларни ҳис қилиб турибман. Хусусан, қишлоқда юрган пайтларим, ҳатто қизларнинг юзига тик қарашга уялардим. Ҳозир эса... Тошкент шаҳрига келиб, ҳужжатларимни топшириш учун ўзим орзу қилган ўша институтга йўл олганимизда бир хиёбон оралаб ўтиб қолдик. Бироқ, ҳар бир ўтирғичда бир-бирига чирмашиб, ялаб-юлқашиб ўтирган жуфтларни кўриб уят-номусдан юролмай қолдим. Менинг қизариб-бўзараётганимни кўрган, йўлбошчи тоғам мийиғида жилмайди. "Ҳа, жиян, типирчилаб қолдинг. Ҳечқиси йўқ, тез орада кўникиб кетасан".

Очиқ гап, тоғам авлиё экан. Мана ўша тасодифий "томоша"дан бери бор йўғи икки ойча вақт ўтдию, мен хиёбонлардаги, кўча-кўйлардаги "ошиқ-маъшуқларга" ўрганиб кетдим. Бобом айтгандай, "бетим қотди". Ҳозир ундай тоифаларни кўрсам-да, бепарво ўтиб кета оламан. Ҳеч қандай уят-андиша юрагимни безовта қилмайди. Демак, ўша аҳлоқсизлар мени ўзига кўниктира олди! Демак ошкора ўпишишлар ўз жиноятини амалга оширди.

Ўйлайманки, "Туркистон" саҳифасидаги ўша мақола биз ёшларни бефарқ қолдирмайди.

**Бахтиёр ЧОРИЕВ,**
**Нишон тумани.**

Шеърият

# Ўзбекларнинг тўйи зўр...



Қолиб ортда гулзорлар,
Тугаб барча мадорлар,
Янграр тинмай “ёр-ёрлар”
Турли иккисини ўйи...
Суймаганларнинг тўйи
Суйдириб қўяр мажбур...
Ўзбекларнинг тўйи зўр.

## ДЕЙЛИК...

Дейлик, Адолатнинг қўли тик келди...
Разолат бир четга чекинди.
Ҳамма бир кундаёқ кимлигин билди
Дейлик, биз-чун ғийбат бўлди келгинди.

Дейлик, муҳаббатни куйлаб тўхтаган
Дарвеш шоирга ҳам АҚЛ кирди, ҳа!
Дейлик, мансабидан тушган нокасга
Ўрин қолмади-я, ўзбек юртида...

Дейлик, орамиздан ўғри чиқмаса
Ҳар ким содиқ қолса агар ишига,
Дейлик, баъзи қалблар андуҳ чекмаса
Фақат андуҳ кирса улар тушига...

Дейлик, булар содир бўлса мабодо,
Оддий бир шоирнинг хаёлидир бу!

## БОБУР НИДОСИ

Менинг умрим бўлиб алқисса
Бугун мени қўмсар ватаним,
Алам қилар, менга айниқса
Ватанимда кўмилмаганим...

Алам қилар, қўлимда қалам
Ғолиб бўлиб, мағлуб бўлди тиғ.
Беш асрлик бу ўксук алам
Ҳалигача қабримда ёниқ!

Оҳ, шоҳликка эришдим эрта
Болаликдан айру бир гўдак,
Ёш кўнглимни созларин черта
Шеърият ҳам кўрсатди йўлак.

Аммо... Умр — қатағон бир йўл,
Мени юртдан қувғинди қилди...
Орамизга тўшаб чексиз йил
Мана бугун тиз чўкиб келди.

Ҳа, унинг ҳам кўп экан дарди,
Ол кўнглини ёндириб ҳадик...
Мени юрт-ла боғлаб турарди
Шеъриятдан ясалган кўприк.

Алам қилар, фақат шу Ватан
Қийноғида бўлдим боз фоний.
Нетай... Мени қувғинди қилган
Ўз юртимдан чиққан Шайбоний!

## ЎЗБЕКЛАР ТЎЙИ

Ўзбекларнинг тўйи зўр,
Тўйидан ҳам куйи зўр.
Пичоқ тушган қўйи зўр,
“Йиғлаб” кетар қизлари —
Ёшга тўлиб излари...
Ишонмасанг келиб кўр —
Ўзбекларнинг тўйи зўр!

“Йиғлаб” борар шўрлик қиз,
Йигит ҳам боқар маъюс.
Уни ҳам ўртаб бир ҳис,
Эсга тушар бариси —
Оҳ, бевофо париси...
Йиғлатмас фақат ғурур —
Ўзбекларнинг тўйи зўр.

## ИЛТИЖО

Ерда лов-лов ёнган юлдузчаларнинг
Диллари ҳаёни тутаркан қачон?
Ориятдан кечган ой қизчаларни
Отасига айтиб, тергат энажон!

Йўқ, йўқ, бунга йўл йўқ, бу менинг сўзим.
Бу менинг қизларга кўз ёшим — маржон.
Уларнинг укаси, акаси ўзим...
Энг покиза йўлни кўрсат, энажон!

Агар алла билмай ўсса бу қизлар,
Агар энажоним, ёд олдирмасанг —
Ҳиссиз, ғарқоб бўлиб йиғлагаймизлар
Энажон, аллангни тез қолдирмасанг!

Буюк бир миллатнинг қалби ҳурмати
Кўрмайлик сира ҳам алласиз қизни.
Керак бўлса агар элнинг хизмати—
Алла қилажакмиз мадҳиямизни...

...Ерни безаб турган юлдузчаларга
Аччиқ кўз ёшимни айладим маржон.
Алпомиш қидирган ой қизчаларга
Алпомиш туғишни ўргат, энажон!

## ДЕНГИЗДА

Мағрур тошлар узра беҳол, бемажол,
Оқим оқиб борар чексиз денгизда.
Ўрмонда ҳар бало ёнгани мисол
Бунда ҳам кема оқар бир изда.

Бунда оқиб борар исёнли тўлқин
Аждарҳо ўкирик солгани каби.
Салобатли нидо денгизнинг мулкин
Қуруқлик қавмига олгани каби.

Бунда ҳар бир жонни оқиб бориши —
Тўхташ не англамас, билмайди ҳудуд,
Фақат мағрур сузар денгизга қарши
Денгизни тан олмас кўкда бир булут...

**Хайрулло ҲАМИД.**

Юртнинг билим юртлари

# КОЛЛЕЖ КЕЛАЖАКДА БАКАЛАВР ТАЙЁРЛАЙДИ

***1922 йил ташкил этилган бу билим юртини йиллар ўтиб, коллежга айланади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Шу пайтгача бу даргоҳ донғи кетган неча-неча муаллим-устозларни тайёрлаб, “учирма” қилмади дейсиз.***

***Дастлаб Тошкент шаҳар “Ўқчи” кўчаси 23-уйда жойлашган бу илм маскани, 1977 йил Чилонзордаги барча қулайликлар яратилган бинога кўчирилди. Шундан бери замонавий спорт зали, махсус ўқув кабинетлари, икки ошхона ва бугунги талаба учун керак бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган бу даргоҳ замона зайли билан 1992 йилдан Тошкент педагогика коллежи, деб юритила бошланди. Коллеж директори Мунаввара опа ИСМОИЛОВА билан суҳбатимиз, асосан бугунги ўқиш ва ўқитишнинг муаммолари, ютуқлари, келажаги ҳақида борди.***

**— Мунаввара опа, аввало таълим тизими ҳақида гапирсангиз?**

— Рейтинг усули бўйича ўқитувчиларнинг билим савияси аниқланди. Рейтинг, коллеквиум усули ҳали бизда такомиллашмаган. Чунки бу усулга биринчи навбатда ўқитувчиларнинг ўзлари тайёр бўлишлари лозим. Келажакда бу усулларни жорий қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Коллежимиз қошида педагогик касбга ихтисослаштирилган лицей гуруҳ мактабимиз ҳам бор. Бу мактабнинг 10-синф ўқувчилари билим юртимизга ҳужжат топширишлари мумкин. Мободо, уларнинг омади чопгудек бўлса, талабалар сафидан жой оладилар. Агар йиқиладиган бўлса, у ҳолда 11-синфда ўқишни давом эттирадилар. Улар ана шундай ҳуқуққа ҳам эгалар.

Билим юртимиз ҳар йили 300—400 нафар ўрта махсус, тўлиқсиз олий маълумотли кадрлар тайёрлаб чиқаради.

**— Улар қандай мутахассисликка эга бўладилар?**

— Асосан бошланғич синф ўқитувчиси ҳамда меҳнат ўқитувчилари тайёрлаймиз. Яна ошпаз, эски ўзбек ёзуви, ўзбек тили, рус тилини ўқитишдек тор мутахассислар тайёрлаш кенг йўлга қўйилган.

Кундузги бўлимда 1200, сиртқи бўлимда эса 300 дан ортиқ талабаларга таълим бераётган 120 дан ортиқ ўқитувчилар орасида иккита Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи — М. Одилова, Э. Каримова, қирқдан ортиқ Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси мавжуд.

**— “Маърифат” газетасида Жўра Йўлдошевнинг “Япония таълим тизими” (16 март 1994 йил) ҳақида катта мақола эълон қилинди. Айтинг-чи, Япония, Америка таълим тизимининг намунали томонларини коллежда ҳам қўлласа бўладими?**

— Япония, Америка таълим тизими тўғрисидаги мақолаларни муҳокама қилганмиз. Уларнинг бизга ўрнак бўладиган томонларидан бири шундаки, уларда адабиёт дарслари аудиторияда доира шаклида, сухбат тарзида ўтаркан. Яна улар ЭҲМлардан кўп фойдаланар экан. Биз уларнинг тажрибасини ўзлаштирган ҳолда “фалсафа”, “математика”, “ижтимоий фан асосларидан” тестда унумли фойдаланяпмиз. Босқичма-босқич қилиб синов имтиҳонларини ЭҲМга киритаяпмиз.

У ёқларда болалар алифбони мактаб давригача ўрганадилар. Биз ҳам болаларга боғчада, уйда алифбони ўргатадиган, саводини чиқарадиган — сулола-сулола бўлиб ўқитадиган ўқитувчилар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Ваҳоланки, бола оилада ёки боғчада алифбони мукаммал ўрганса, мактабда қийналмайди. Уларга алифбони ўқитиш учун кўп вақт кетмайди. Балки унинг ўрнига мактабда бошқа дастурлар бўйича ўқитила бошланади.

**— Давлат имтиҳонлари қай йўсинда ўтказилди?**

— Давлат имтиҳонларини олиш учун халқ таълими вазирлиги томонидан махсус комиссия тузилган. Тест саволлари Республика ўқув методика маркази томонидан ишлаб чиқилган.

Халқ таълими вазирлиги билим юртимизга тўртта компьютер ажратган. Бу бизга анча ёрдам бермоқда.

Бу йилги олий гуруҳларда ўтказилган давлат имтиҳонлари — фалсафа, математика фанлари бўйича тест усулида, она тили ва педагогика фанлари буйича эса оғзаки-суҳбат тарзида ўтказилди.

Ўтган йили 48 ўқувчимиз институтга йўлланма олган бўлса, бу йил кундузги бўлимга 18, сиртқи бўлимга 46 нафар талаба йўлланма олди. Институтга кирган талабалар кундузги бўлимда икки йил, сиртқи бўлимда эса уч йил таҳсил оладилар.

**— Ҳомийлик қилаётган ташкилотлар ҳам борми?**

— Ҳа, албатта. “Олмазор” жамоа хўжалиги, “Спетамен” ташкилоти томонидан энг яхши хулқли, одобли, аълочи ва меҳнатда ўзини кўрсатган ўқувчиларимиз учун қўшимча стипендия ажратилган. Бу эса талабаларнинг бир-биридан ўзиб ўқишга, меҳнат қилишига туртки бўлмоқда. Муҳиддин Тошев — “Спетамен” ташкилоти, Гулбаҳор Инсабоева — “Олмазор” жамоа хўжалиги ҳомийлари томонидан берилаётган қўшимча стипендияни олишга муваффақ бўлаётирлар.

**— Шу пайтгача алифбомиз икки марта ўзгарди. Ҳар бир ўзгариши саводхонлигимизни қийин аҳволга олиб келди. Лотин графикасига ўтишимизга қандай қарайсиз?**

— Бу ҳақда кўп ўйладик ва охири зўр мутахассисларни ҳам топдик. Улар Ҳ. Дадамуҳаммедова ва Ф. Каримбергановалардир. 1993-94 ўқув йилининг II семестридан бошлаб битирувчи ўқувчиларга заҳира соатлар белгиланиб, лотин алифбосини тўлиқ ўргатдик. Қисқа вақт ичида битирувчиларнинг ҳаммаси лотин ёзувини ўрганиб олдилар.

Келажагимиз — ёшлар. Эртанги куннинг пойдеворини ҳам мана шулар қуради. Бу ёшлар лотин алифбосини мукаммал ўрганибгина қолмасдан балки, уни ҳаётга тадбиқ қилишга замин тайёрловчилар ҳамдир. Шу боис кадрларимиз лотин алифбосини билмасдан туриб эртага мактабга боришса, бошларига гурзи тушгандек карахт бўлиб қоладилар. Биз буни олдиндан англаган ҳолда тўғри йўлни тутяпмиз, деб ўйлайман.

**— Коллежнинг келажакдаги орзулари ва муаммолари ҳақида тўхталсангиз?**

— Тўққизинчи синф негизида коллеж учун ўқув режаларини тузиш; олий маълумотли биринчи босқич бўлган бакалавр унвонини олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда ўзимизнинг ўқитувчилар билан келишган ҳолда коллежимизда беришни ҳал қилиш; чет элга чиқиб коллежлар тажрибасини ўрганиш; улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва тажрибасини билим юртимизда татбиқ қилиш муаммолари устида бош қотирмоқдамиз...

***Суҳбат шу ерга келганда эшик оҳиста очилиб, бир киши кирди. Ва биз билан қуюқ саломлашди. Сўнгра Мунаввар опа узр сўраб бошқа сафар яна бир бор келишимизни қайта-қайта илтимос қилди. Бироқ сабабини айтмадилар. Ҳар эҳтимолга қарши саволларга аниқлик киритиш учун ўқув даргоҳига яна бордик. Бу сафар коллежда катта байрам — талабаларнинг битириш кечаси ўтказилаётган экан.***

***Муаллимларнинг бири директорнинг буйруғини ўқиб эшиттирганда зал гулдирос қарсаклар таъсиридан бир қалқди. Унда 410 талаба коллежни муваффақиятли тугатиб, ихтисослиги бўйича диплом олиши қайд этилганди. Озода Аҳророва, Нодира Хўжанова, Малоҳат Парпиева, Замира Болтабоева, Малоҳат Орипова, Муяссар Қўчқорова, Назира Холматова ва бошқа жами 33 та талабаларга имтиёзли қизил диплом берилди. Г. Юсупова, М. Қўчқорова “Мақтов ёрлиғи” ҳамда В. Йўлдошева, З. Болтабоева, И. Жўрабоеваларнинг ота-оналарига “раҳматнома”лар юбориладиган бўлди.***

***Ва бир неча битирувчилар қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар. 64 талаба Низомий номли педагогика институтига йўлланма олди. Уларнинг баъзиларини суҳбатга тортдим.***

— Коллежимизда ҳамма шароитлар мавжуд. Вилоятлардан келган талабалар ётоқхона билан таъминланган. Ҳафтада икки марта кино қўйилади, — дейди Малоҳат Парпиева. — Ётоқхонамизда асосан қизлар бўлганлиги сабабли тартиб-интизом қаттиқ.

Бир йилда икки марта очиқ мулоқот ўтказилади. Ота-оналар чақирилиб, талабаларнинг ютуқ-камчиликлари рўй-рост айтилади, аълочи ўқувчиларга рағбатлантириш, хулқи ёмон ўқувчиларга ҳайфсан эълон қилиниб турилади.

Ота-онаси йўқларга, ногиронларга, иқтисод томондан қийналаётган талабаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, стипендиялар ўз вақтида берилади. Назарий билим билан амалий машғулотларни қўшиб олиб борамиз...

***Коллежни битирувчи талабалар билан жуда кўп суҳбатлашдик. Уларнинг барча фикр, ўй-хаёлларини биргина мақолага сиғдира олиш мушкул. Начора...***

***Биз ҳам барча битирувчи талабаларга эртага жуда катта ўқитувчилар сулоласига қўшилиб фаолият юритишларига оқ йўл тилаган ҳолда бу йил ўқиш шарафига муяссар бўлган барча талабаларга толе ёр бўлсин деймиз.***

**Суҳбатдош:
Раззоқ ШОЙМАРДОН.**



*Раққосанинг нигоҳига бир кўз ташланг-а! Ўзбекнинг кўнглидан сизилиб чиқаётган жамики туйғулар шу биргина нигоҳда мужассам.*

*Ўзбекона лутф, ўзбекона ибо... Бундай лутф, бундай ибони ифода этиш ўзи бир санъат. Ўзбек раққосаларининг маҳорати ҳам аслида шунда.*

*Қаранг-а, биз томона қиё боқ, деяётгандек раққоса, Боқмай ҳам кўринг-чи!..*

**Газета саҳифаланаётганда**

## “ФУТБОЛ ҒУНЧАСИ“ КЛУБИ СОВРИНИ УЧУН

Бухоронинг "Афшор" командаси "Футбол ғунчаси" клуби соврини учун болалар ўртасидаги мусобақанинг ғолиби бўлди. 9-10 ёшдаги футболчилар иштирок этган ўйинларда мусобақа эгалари ҳал қилувчи учрашувда Андижоннинг "Наврўз" командасида ўйнаган тенгдошларидан ғолиб чиқишди. Фахрий шоҳсупанинг учинчи поғонасига Қашқадарёнинг "Умид" командасидаги болалар кўтарилишди. Бу галги финалда жами саккиз команда иштирок этди. Улар бу ҳуқуқни саралаш мусобақаларида қўлга киритишган эди.

Мазкур мусобақаларнинг ажойиб "таржимаи ҳоли" ва бой анъаналари бор. Бу мусобақа кўп йиллар "Чарм тўп" клуби ҳомийлигида ўтказилган. Ўзбекистонлик юзлаб таниқли футболчилар турли йилларда мана шу ажойиб спорт мактабидан ўтиб, кўпчилиги кейин юқори тоифали ўйинчилар, футбол мураббийлари, устозлари, ҳакамлари бўлиб, республикада миллионлаб кишилар яхши кўрадиган ўйинни ривожлантириш ва оммалаштиришга сезиларли ҳисса қўшдилар.

Мана икки йилдирки, тўққиз ёшдан ўн уч ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бу мусобақалар янги ном билан — "Футбол ғунчаси" клуби соврини учун ўтказиляпти. Бухорода энг ёш иштирокчилар ўртасидаги ғолиблар аниқланди. Эндиликда ўн бир-ўн икки ёшли болаларга навбат келди. Улар Шаҳрисабзда республика якунловчи ўйинларига тўпланадилар.

**(ЎзА мухбири)**

# ҲАММАСИНИ ТАҚДИРГА ТЎНКАБ КЕТАВЕРАСИЗМИ?

### СИРЛИ МАКТУБ СОҲИБАСИ ЗУЛФИЯ ҚИЗГА

**(Боши 3-бетда).**

севимли инсон фазилатлари бу йўлда фақат тасодифий нарса эканлигини, бошқача қилиб айтганда, севгининг баҳонаси эканлигини, аммо ҳеч қачон унинг ҳақиқий сабаби бўлмаганлигини англайсиз; Мен бу гапим билан сизга бағоят аёвсиз ва инсонни камситувчи ҳақиқатни баён этдим; бундан унинг ишончлилик хусусияти кам бўлиб қолмайди. Биз хотинлар, шу таърифсиз севги нафси билан дунёга келамиз ва бордию бир кишини иккинчисидан устун қўйсак, очиғини айтиб қўя қолай,аллақандай фазилатларга учиб эмас, кўпроқ ғайриихтиёрий, деярли сўқир савқи табиийга (табиий майлга) бўйсуниб шундай қиламиз. Мен дунёда сўқир эҳтирос борлигини исботловчи далиллар келтирмоқчи эмасман, биз кўпинча нотаниш ёки унча маълум бўлмаган кишиларни кўриб ҳушимизни йўқотамиз, бизнинг кўнгил берган кишиларимиз ҳамма вақт ҳам яхши бўлиб чиқавермайди, баъзан-баъзан бахтли нуқтага тушиб қолсак, бу ғирт тасодиф холос. Демак, биз ҳар доим етарли имтиҳон қилмай бирон одамга боғланамиз ва мен муҳаббатни, бир овқат ўрнига бесабаб бошқасини ейиш билан қиёсласам, унчалик ноҳақ бўлмайман. Мен манманлигингизнинг хом хаёлларини аямай сочиб-тарқатиб юбораман, аммо мен сизга ҳақиқатни айтаман. Аёлнинг севгиси сизга хуш ёқади, чунки, у сиздай севимли зотнинг фазилатлари билан ҳисоблашади: сиз унга кўпдан-кўп шараф келтираётгандай ҳис қиласиз ўзингизни; янада яхшироқ қилиб айтсак, ўзингизга жуда юқори баҳо берасиз. Ишонинг, биз сизларни сиз бўлганингиз учун севмаймиз: самимий бўлиш керак, биз севгидан фақат фаровонлик излаймиз. Тантиқлиқ, манфаат, манманлик, жўшқинлик, — мана шулар бизни ташвишга солувчи нарсалар, юрагимиз банд бўлмаса мана шуларни ўйлаймиз; биз илоҳийлаштирмоқчи бўлган улуғ ҳиссиётлар асосида мана шу важлар ётади. Бизни ийдирувчи нарса улуғ фазилатлар эмас: бордию сизнинг фойдангизга бу нарсалар ҳам бўлса бунинг ёмон жойи йўқ, аммо булар юракка эмас, ўша манманлигимизга таъсир қилади, лекин бизга ёқадиган хусусиятларингиз кўпинча сизларни кулгили ва бечора қилади. Аммо нима ҳам қилардингиз? Хуллас, сиз ўзингизни холис севги ашёси деб биласиз, такрорлайман, хотинлар сизни сиз бўлганингиз учун севишади, деб ўйлайсиз. Бечора бефаҳм хомқовоқлар! Шуни билингизки, сиз хотинлар лаззати учун қурол, тантиқлигига қараб ҳаракатга келувчи бир ўйинчоқ бўлиб хизмат қиласиз. Лекин, хотинларга адолат қилиш керак, буларнинг бари уларнинг ихтиёридан ташқарида содир бўлади. Мен бу ерда тасвирлаётган туйғуларни уларнинг ўзи унчалик тушунмайди; аксинча, улар, соф ният билан, улуғ ғоялар асосида бу йўлда юрибмиз, деб хаёл қиладилар ва бу фикр сизларнинг ва уларнинг манманлигини қондиради, шунинг учун ҳам уларни бу борада сохтакорликда, иккиюзламачиликда айблаш беаёв адолатсизлик бўлур эди: улар сизларни ва ўзларини беихтиёр алдайдилар.

Мана, кўрдингиз: мен сизга саховатли Маъбуданинг энг ички сирларини очиб бердим: агар мен аёллар зиёнига сизга озгина маърифат берган бўлсам, бу — дўстлигимдан, деб ҳукм чиқаринг. Хотинларни қанчалик яхши билманг, яна тағин улар сизларни телбалик қилишга мажбур этадилар“.

### 3. Тенгдошларим мендан ёш...

Кўриб турибсизки, Зулфияхон, севги масаласи бағоят мураккаб. Мен ўзим ҳам 1978 йилда 23 яшар қизнинг 55 яшар шофёр кишига ошиқ бўлиб қолганини кўрганман.

— Нега бундай? Ўз тенгиларингиз орасида сизга лойиқ одам топилмайдими? — деб сўраганим эсимда. Унинг жавоби мени ҳаяжонга солган эди ва “Тенгдошларим мендан ёш“ деган бир қиз монологини ёзган эдим. Шу шеъримни ҳам эътиборингизга ҳавола қилгим келади:

Тенгдошларим мендан ёш,
Ўзларин билишар зўр.
Гап-сўзлари лекин ғўр,
Тўғри, беғубор, ювош.

Қайта-қайта чайқаб бош,
Тинглаб уларни базўр
Кўзларимни босар тўр —
Кўзларимга тўлар ёш.

Ошиқларим кўп, аммо —
Ёш йигитлар ичида
Ҳеч тенгимни кўрмайман.

Мени эзар муаммо:
Ёшим йигирма учда,
Қирқ учга киргандайман.

Аксар ҳолларда мен ўзимча ёш қизларнинг катта ёшли кишиларни севиб қолиши — уруш туфайли, бизнинг жамиятимизда аёлларга нисбатан эркаклар озроқлигига йўйиб келардим. Ўша 1978 йилда менга учраган қиз ва сизнинг мисолингизда кўряпманки, гап бу ерда йигитлар танқислигида эмас, йигитлар ношудлигида экан. Ўртада яна бошқа бир масала ҳам борга ўхшайди: маънавият десаммикин, иззатпарастлик, манманликми — нима, очиғи, менга ҳам аён эмас.

Сизга эса ўзингизни ва севган кишингизни, ота-онангизни ва атрофингизда кечаётган ҳаётни таҳлил қилиб кўришни ва бунда Ҳақиқатни, Ҳақни, Оллоҳни ёдда тутишни тавсия қиламан.

Сизга ҳидоят, омонлик ва бахт-саодат тилаб,

**Миразиз АЪЗАМ.**

***ИЛОВА:** Нинон де Ланклонинг мактубини дастури амал учун келтирмадим. Бир оз эзма ва насиҳатбозликка мойил бу мактубдаги ҳамма гапларга қўшилиб бўлмайди. Чунончи, хотинлар улуғ ғоялар йўлида юрибмиз деб ўзларини алдайдилар (яъни бир маслак йўлида бўлганлиги учун севмайдилар), деган фикри нотўғрилигини тарих кўп марта исботлаган. Масалан, декабристларнинг хотинлари Сибирь томонларга хотинлик нафсига кириб эмас, улуғ ғоялар йўлида кетганлар.*

# Ўн саккизга кирмаган ким бор?

# ҚИЗЛАРНИ ОЛИБ ҚОЧИШ...

**(Боши 3-бетда).**

Бибисора опа суҳбат давомида қиз олиб қочишнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари борлигини айтиб берди. Масалан,йигитлар қизларни олиб қочаётгандан етти ёт бегоналигини суриштириши, бутунлай бошқа авлоддан эканлигини сўраши зарур. Бир авлоддан етти отагача қиз олмаслик керак экан. Мабодо бу удум, бу қадим қоида бузиладиган бўлса, туғилажак болалар ногирон, қурилган оилалар бахтсиз, улар қарғишга учрар экан. Бундай кўргуликдан эса худонинг ўзи асрасин.

### ФИКРИМГА НУҚТА ҚЎЙМАНГ...

Қизилқумдаги гўзал шаҳар Зарафшонда турли миллат вакиллари яшайди. Қават-қават уйларда чироқлар доимо ёниқ. Шаҳар шоир айтганидек: тунлари хатарга тўла эмас, хатарга ўхшамайди. Кўчалари гўзал, озода бу шаҳарнинг бағрида одамлар дунё ташвишлари билан бирга, ҳаётнинг гўзал хотиралари, яшаш ва меҳнат завқини сурмоқда. Чўлнинг инжиқликларини меҳнат билан енгмоқда, камол топмоқда.

Ана шу ёруғ хаёл каби чароғон шаҳардаги хонадонларнинг бирида умри меҳнат билан ўтаётган, тонглари машаққат билан отаётган бир аёл бор. Ўн беш йил олдин турмуш ўртоғидан бевақт айрилган бу аёлни худо фақат бахтдан эмас, саломатликдан ҳам қисган. Бир этак боласи билан бир амаллаб кун кечираётган аёл сурункали хасталикка чалинганлиги сабабли касалхонада узоқ-узоқ даволанади. Шундай пайтларнинг бирида унинг катта тоғини, укаларига қараб турган, уларнинг суянчига айланган қизини олиб қочишди. Олиб қочишган бўлса нима бўпти, ўзи рози бўлгандирки ёки удум-да,деб эътироз билдираётганлар кўплигини биламан. Балки... Агар шаҳарда ёш укаларини ёлғиз қолдириб, хаста онасига оғир дамларида суянч бўлиш, мадад бўлиш ўрнига қочиб кетиш бахт саналса, билмадим...

Қизларни олиб қочиш балки гўзал одатлардан биридир. Отда, машинада, автобусларда, поездларда, ҳатто самолётда уларни олиб қочиш ўзига хос ширин бир хотира, ўзига хос бир саодатдир. Ёшлик хаёллари осмонларга етадиган романтик гўзал ўйлар, балки ўша кезларда уларга қанот бўлар. Балки кимнинг уйи шу қиз билан обод бўлар, бахтларга тўлар, аммо севмаганга ёр бўлишга маҳкум қалбларнинг зор-зор йиғлагани, қонлар ютгани-чи? Уларнинг орзуларини, бахтларини ким қайтиб беради? “Бўлса бордир, бизга нима, сизга нима“, деб фикримга нуқта қўйманг. Ахир муҳаббатнинг, бахтнинг остонасига ота-оналарнинг оқ фотиҳаси билан қадам қўйишнинг нимаси ёмон? Қизларни олиб қочманг, йигитлар, десам нима дейсиз?

**Маруса ҲОСИЛОВА,
Навоий вилояти.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Албатта, ҳар бир киши ўз тақдирини ўзи белгилайди. Икки кўнгил бир-бирига талпинар экан, унга тўсқинлик қилиш хайрли ҳаракат эмас. Муаллиф фикр юритаётган мавзунинг зоҳирий кўриниши-шу. Модомики шундай экан, мақолани ёритишга нима ҳожат бор эди, деб ўйларсиз. Масаланинг моҳияти шундаки, сезган бўлсангиз, муаллиф ёшларнинг эътиборини оила қуриш масъулиятига қаратмоқчи. Бу масалага жиддий ёндашиш керак, демоқчи у.***

***Бу масалага сиз қандай қарайсиз, азиз газетхон?***

***КЕЛГУСИ СОНДА:***

- **МУСТАҚИЛ МАДАНИЯТ ИҚТИСОДИЁТИ...**
- **ПАХТАКОР ТУМАНИДА БИР КУН**

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
TURKISTAN

*Таъсис этувчи:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 1097 39111 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.

1 2 3 4 5 6.